



РЕСТАВРАЦИЯ ДАВРИДА ИНГЛИЗ ТЕАТРИ ВА ДРАМАТУРГИЯСИ (Жон Драйден ижоди мисолида)

*Очилова Дилафруз,
ҚарДУ катта ўқитувчиси*

Калит сўзлар: классицизм, театр, драма, реставрация, католик черкови, буржуа инқилоби, рицарлик.

XVI аср бошларига келиб, Англияда бўлиб ўтган инқилоб театрлар фаолиятини тўхтатди ва шу орқали драма жанрининг ривожланишига бирмунча тўсқинлик қилди. Театрлар ёпилгач актёрлар шаҳарма-шаҳар юриб, сайёҳ труппалар тузиб томошалар кўрсатишди. Бироқ 50 йиллар ўрталарига келиб, ҳокимият тепасига Оливер Кромвель келди, табиийки “янги ҳукумат-янги қонунлар” чиқарди. Театр томошалар қайтадан жонлангандай бўлди, кўнгил очар (entertainments) томошалар театларда қўйилмаса-да, бой зодагонлар, амалдорлар уйларида бу каби томошалар яна қўйила бошланди. Улар, асосан, Шекспирнинг омма ичида машҳур бўлган пьесаларидан парчалар эди.

Ўша давр инглиз театри ва драматургияси ҳақида гапирар эканмиз, беихтиёр ренессанс даври қаҳрамони, ўз асарларидек ҳаёти саргузаштларга бой, инглиз драматурги Вильям Давенант (William D'Avenant, 1606-1668) ҳақида тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Айнан Вильям Давенант биринчилардан бўлиб, театрлар фаолиятини қайтадан тиклашга муваффақ бўлди. У Бен Жонсон вафотидан кейин “сарой шоири” унвонини олган, театрлар учун 1630 йиллардан бошлаб пьесалар ёзган ва 1639 йилда янгидан театр фаолияти учун патент олган ижодкор эди.

Вильям Давенант, асли келиб чиқиши оксфордлик майхона эгасининг ўғли бўлиб, у ўзини Шекспирнинг ҳақиқий туғилган ўғли деб таништирди. Инқилоб арафасида бошқа кўпгина илм ва ижод аҳли сингари у ҳам Англияни тарк этди, Карл I тарафдорлари томонида туриб жанг қилди, жасорати эвазига қирол

Карл I дан рицарлик унвони билан тақдирланди ва Барбадос губернатори этиб тайинланди. Бироқ ҳокимият тепасига Оливер Кромвель келгач, у ҳибсга олинди ва умрининг бир муддатини турмада ўтказди. Тутқунликда у ўзининг “Гондиберт” (Gondibert, 1651) поэмасини ёзади. Мазкур асарда Давенант Кромвелни назарда тутиб, қилич ила курашиб, давлатни тинчлик ва фаровонликка элтувчи донишмандни кўкларга кўтарди ва шу орқали озодликка чиқишга муяссар бўлди. Кейинги ижодий фаолиятини адиб ўз ватанида давом этар экан, у ўз танишлари орқали давлат протекторидан кўнгил очар томошалар учун рухсат олди ва инқилобдан сўнг илк маротаба 22 май 1656 йил театр сахнасида спектакль қўйди. Албатта, томошабинлар сони камчилиқни ташкил этса-да, адиб кўнгилни чўктирмади ва келгуси ижодий фаолиятига шижоат билан ёндашди. Ўша йилнинг кузида у ўзининг “Родес Қамали” (The Siege of Rhodes) мусикий пьесасини сахналаштирди. Бу пьесада Султон Сулаймон ва унинг денгиз кўшини Испанияга қарши кураши, аскарларининг мардлиги (пьеса классицизм даври адабиёти талабига биноан қисқартирилган бўлиб, аскарлар сони атиги етти кишидан иборат бўлган) акс эттирилган эди. Спектаклдаги аксарият роллар француз актёрлари томонидан ижро этилган эди. Давенант ижоди янаям кенгроқ тус олганлиги туфайли, 1658 йилда Қироллик театрига тегишли Кокпит биносида спектакллар қўя бошлайди. Айнан шу даврдан бошлаб Дрюри Лейн театрининг гуллаб яшнаган даври бошланди, Давенантдан кейин ҳам бир қатор машҳур драматурглар ва актёрлар бу даргоҳда ижод қилишга



муяссар бўлдилар. Давенант киролик театрида ўзининг яна иккита пьесасини сахналаштиришга улгуради, улар “Испанияликларнинг Перудаги жаҳолати” (The Cruelty of the Spaniards in Peru, 1658*) ва “Франсис Дрэйк тарихи” (The History of Sir Francis Drake, 1658*) пьесалари эди. Шундай қилиб, Давенант Реставрация даври инглиз театри тарихида кейинги босқичга йўл очиб берди. Карл II тахтга ўтиргач, театрлар фаолиятини олиб бориши учун икки кишига патент берилади, улар Вильям Давенант ва Томас Киллигрю (Thomas Killigrew, 1612 - 1683)лар эди. Томас Киллигрю ва Давенант, шубҳасиз, Реставрациянинг илк даврига ўзларининг улкан ҳиссасини қўшган.

Давенант услубига назар солсак, унинг асарлари ниҳоятда жонли тил, ранг-баранг бадиий бўёқларга ҳамоҳанг шеърӣ қолипда ёзилган бўлиб, инглиз театри ва драмасынинг навбатдаги тараққиёт поғонасига кўтарилишига бир туртки бўла олди. 60-йилларда адиб изидан яна икки драматурглар Натаниэль Ли (1653 – 1692) ва Томас Отвей (1652 – 1685) драматургияни давом эттирдилар.

Бу даврда театрлар ҳаётини қаҳвахоналар ва клублар янада бойитишга хизмат қилди. 60 - йилларда бу каби янгилик Лондонда урфга кириб, клубларда томошалар билан бирга сиёсий, адабий ва театр янгиликлари муҳокама қилинар эди.

Тарихга назар солсак, Реставрация даврида театр ва драматургия инқилобдан олдинги даврлардан анча фарқланишини кузатамиз. Эндиликда оддий халқ ҳаёти ёки манфаатлари ҳисобга олинмас, асар услуби, мавзуси, ҳатто кайфияти сарой аёнлари ва зодагонлар томонидан белгиланарди, бу эса пьесаларни санъат асаридан кўра кўпроқ сиёсий асарларга ўхшашига туртки берди. Шу тарзда бир қатор бадиийликдан йироқ бўлган дидсиз пьесалар яратилди. Буларга Джон Тэтем (John Tatham, 1632-1664) ва Роберт Говарднинг (Sir Robert Howard, 1626-1698) пьесаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Давенант ва унинг издошлари инглиз драматургиясининг кейинги, ниҳоятда юксак даври – Жон Драйден драматургиясига йўл очиб берди.

Жон Драйден (1631—1700)—реставрация даврining буюк намоёндаларидан бири бўлиб, нафақат шоир, танқидчи ва буюк драматург балки, драма санъати хазинасининг асосчиси ҳам эди. Унинг инглиз адабиётига қўшган ҳиссаси шунчалик улканки, 1660 йилдан 1700 йилгача бўлган вақтни “Драйден даври”деб инглиз адабиёти тарихида муҳраб қўйганлар. XX аср адабиёт танқидчиси Т.С. Элиот Драйденни Шекспирга қиёслаб, XVII асрнинг энг етук драматурги деб атайди.

Жон Драйден 19 август 1631 йил Нортгемптоншир графлигининг Аундл шаҳарчасида ўрта хол мулкдор оиласида дунёга келди. У Вестминстер мактабида бошланғич, Тринити коллежида ўрта таълимни, сўнг Кембриж университетида олий таҳсил олди. У ёшлигидан шеърӣятга ихлос қўйган ва илк шеърларини талабалик давридаёқ ёзган эди. Ёшлигида Драйден республикачи – пуритантлар тарафдори бўлган. Адиб ижодида илк бор халқ эътиборига тушган асарлари, Кромвель вафотида бағишланган 1658 йил “Қаҳрамонлик Станслари” (“Heroique Stanzas”), “Англия, Шотландия ва Ирландия ҳимоячиси лорд Оливер Хазрати олийлари ўлимига бағишланган поэма” (A Poem upon the Death of His late Highnesse Oliver, Lord Protector of England, Scotland and Ireland, 1659) бўлиб, уларда Кромвелни “давлат ҳимоячиси” сифатида таърифлар экан, уни антик қаҳрамонларга қиёслайди. “Кромвель жангу жадалларга барҳам бериш учун жанг қилди ва ўзини ғолиблиги туфайли давлатда тинчлик ўрнатди, миллатнинг кадр-қиймати юксалди. Кромвелнинг ҳукмронлиги фалакнинг бир марҳамати ва ўзидан кўра халқи, вазир-у уламолар маанфатларини устун қўйган”,²- деб уни кўкларга кўтарди. Бироқ икки йилдан сўнг, Кромвель

²История английской литературы. Том 1. Выпуск второй М. Издательство Академии Наук СССР, 1945 Бычков М. Н.



хукмронлигига барҳам берилгач, у Стюардлар томонига ўтди ва 1660 йил Карл II сиёсатини қўллаб-қувватлаб, лотин тилида номланиши билан “Астреа Редукс” (Astraea Redux) (Муқаддас Карл II олий хазратларининг тикланиши ва хукмронлиги) ва “Олий хазратларининг тож кийиш маросими” (To His Sacred Majesty, a Panegyrick on His Coronation, 1661) асарларини яратди. Бу асарлари орқали адиб тахт қонунан ўз эгасини топганлиги ва айнан қирол Карл II давлатда тинчлик ва тартибни ўрната олишини таъкидлади. Драйденнинг мазкур асарлари муаллифнинг тинчлик севарлигини, ўз ватанига фидойи эканлигини исботлайди. Драйден фуқаролар уруши давлатни парокандаликка, иқтисодий инқирозга, инсонийлик кадр-қийматининг емирилиши ва ягона анархияга олиб келиши муқаррар деб таъкидлайди³. Иккала асарда ҳам бу каби парокандалик ва анархияни инсоният ўз ақл – идроки, сабр-тоқати, иродаси орқали енгиб ўтиши мумкинлиги кўзда тутилган ва айнан Реставрация даври адабиётининг асл мақсади бўлган. Кромвель ҳам, Карл II ҳам асарларда халқ осойишталиги ва фаровонлиги йўлида курашган одил хукмронлар сифатида таърифланган эди. Кейинчалик, 1667 йил канцлер Календон ва унинг қизига атаб, “Ажойиб 1666 йил” тарихий поэмаси (Annus Mirabilis: The Year of Wonders 1666) ни яратди. Асарда Англия ва Нидерландия уруши билан боғлиқ бўлган тафсилотларни, давлат ичидаги инқирозни катта машаққат билан енгиб ўтилганлигини қаламга олди. 1670 йилда адиб ўз асарлари учун муносиб тағдирланди, у сарой шоири ва тарихчиси мақомига эга бўлди.

Драйденнинг кейинги ижоди тўла Реставрация даврига хизмат қилишга бағишланган эди. 1681 йил торилар ва виглар ўртасида тожу тахт учун олиб борилган жангу жадалларга бағишланган “Авессалом и Ахитофель” (Absalom and

Achitophel, 1682 йил) асарини чоп эттирди, шу орқали виглар лорди Шефстберини танқид остига олди. Бир йилдан сўнг унинг монархияни қўллаб-қувватлаб ёзган яна бир шеърий асари “Медаль; кўзғолончиларга қарши сатира” (The Medall. A Satyre against Sedition, 1682) асари дунё юзини кўрди. Шу йилнинг ўзида Драйден ўзининг адабий-сиёсий ижод маҳсули бўлмиш, инглиз шоири ва драматурги Томас Шедуэлья (Thomas Shadwell) қарши “Мак-Фленко” (Mac Flecknoe) сатирик поэмасини яратади ва адибнинг бу поэмаси келгусида Александр Поупга унинг “Дунсиада” асарини яратишида манба бўлиб хизмат қилди.

Драйденнинг келгуси ижоди фалсафий-дидактик характерда бўлиб, церковлар обрўсини ҳимоя қилишга қаратилди, бунга мисол қилиб унинг шеърий асари “Religio Laici ёки оддий кимса эътиқоди” (Religio Laici or a Layman's Faith, 1688) бўлиб, инглиз церковларини танқидчилардан ҳимоя этишга хизмат қилган. Бироқ адиб кейинчалик католик черкови тарафдори бўлиб, Яков II тахтга ўтиргач ҳеч иккиланмасдан католик динини қабул қилди ва католик черкови манфаатларини ҳимоя қилиб “Буғу ва пантера” (The Hind and the Panther, 1687) асарини яратди.

60-йилларга келиб Драйден ўзини ижодга, тамомила драма ва театрда бағишлайди ва жаҳон адабиёти хазинасига турли жанрдаги 27 пьесани мерос қилиб қолдирди. Бу йўлда адиб комедия ва трагикомедияларни яратди: “Ёввойи ихлосманд” (The Wild Gallant, февр. 1662-1663*), “Айниган сэр Мартин” (Sir Martin Mar-all) ва бошқалар инглиз драматургиясида машҳурдир.

Трагикомедия жанрида Драйден ихлос қўйган француз узтозлари-Александр Арди ва Флетчер бўлган. Эҳтимол шу сабабли, адибнинг трагикомедиялари комедияларидан кўра муваффақиятлироқ бўлган.

Буларга мисол қилиб, “Сирли муҳаббат ёки бокира Қиролича” (Secret Love, or the Maiden Queen, март 1666-1667*), бу асар қирол Карл II га жуда манзур бўлган ва

2. История английской литературы. Том 1. Выпуск второй М. Издательство Академии Наук СССР, 1945 Бычков М. Н.



нихоят унинг “Ғалаба қозонган муҳаббат” (Love Triumphant, etc., 1693*) машҳур асари дунё юзини кўрди.

Драйден ижоди нихоятда бойдир, унинг таржималари, Елизавета даврида ва бошқа анча аввал ижод қилган драматурглар асарларини қайтадан ишлаб нашр қилган, булар: Шекспирнинг “Бўрон” (1670), Натаниэль Ли билан Софоклнинг “Эдип”, Марлонинг трагедияларидир.

Драйден драматургиясидаги эътиборли мавзуларидан бири бу “қахрамонлик пьесаларидир”. Унинг “Қахрамонлик пьеса”ларидан “Ҳиндулар қироличаси” (The Indian Queen, 1662*) пьесаси, кейинчалик ўзи “Ҳиндулар императори” (The Indian Emperour, etc. 1665*), “Гранадани Испанияликлар томонидан босиб олиниши” (The Conquest of Granada by the Spaniards, 1670-1671), “Авраңгзеб” (Aureng-Zebe, 1675) ва бошқалардир.

1688 йилги инқилоб Драйден ҳаётида инқирозли даврни бошлади, у барча мақомлари ва ҳатто нафақасидан айрилди, бироқ бу адиб обрў-эътиборига зиғирча зарар етказмади. Ҳаётининг сўнгги йилларида адиб сиёсатдан йироқда, қаҳвахоналарда ижод қилиб умрини ўтказди. У нихоятда кўп ишлади. 1697 йил Драйденни “Ҳикоялар, қадимий ва замонавий”(Fables, Ancient and Modern) номли асари дунё юзини кўради, бу асарда адиб кўплаб Гомер, Вергилий, Овидия асарларидан таржималар, шеърӣ тўпламлар, илмӣ ва фалсафӣ мушоҳадаларнинг якунини жамловчи хикоялар тўпламларидан иборат эди. Драйден 1700 йилнинг баҳорида вафот этди.

Драйден ҳаётига назар ташлар эканмиз адиб ижодига сиёсий ўзгаришлар, ўша давр воқеалари катта таъсир кўрсатганининг шохиди бўламиз. Драйденнинг ёзиш услуби хилма-хил бўлиб, адиб драмада оқ шеърдан воз кечиб, “қахрамонлик шеърлар” (heroic verse) услубида риторик, қофиялик, нихоятда бой луғатга эга бўлган, сюжетларнинг уйғунлигини кўриш мумкин. Бироқ унинг сўнгги “Авраңгзеб” фожиасига ёзилган

прологда адиб қофиялик “Қахрамонлик шеърлари”дан воз кечиш кераклигини эътироф этган:

*Камина ўз тажрибасидан кўриб,
шуни тушунди,*

*Бировни қўнглини олишдан, ўзини
тушуниш қийин бўлди.*

*Бунӣ ёлғонакам камтарликка ёйманг
биродарлар,*

*Машаққат ила яратган бўлмағур
асарини у қоралар .*

*У олдин ёзганлари жуда ёмон
бўлмаса ҳам*

*Аммо унинг ақли ва диди бошқа,
ўзгарди бу дам.*

*Кечиккан бўлса-да бунӣ ҳақиқат деб
тан оламиз,*

*Қофия деб номланиш севикли
маъшуқадан зерикдик биз.⁴*

Драйденнинг ҳаёти ва ижодида тамомила бурилиш ясаган воқеалар, адиб асарларида инсон ҳаёти нечоғлик қисқа, машаққатлардан, доимий ҳаловатсиз турмуш тарзидан иборат этганлиги акс эттирилган. Масалан, “Авраңгзеб” фожиасида қўйидаги донишмандлик билан ёндашган мисраларга дуч келамиз:

*Ёшлигимиз ўтаркан кўз очиб
юмгунча.*

*Исроф этамиз умримиз ё жангда, ё
шуҳрат ортидан югургунча.*

*Ҳар лаҳзаси жонга тенг умрим,
бўлди сўлиган гунча,*

Умр қисқа, шодликни бер додини .

*Қадрига етмоқ даркор экан даври-
давронни.*

*Гар куч-қувватим берилганида яна
бир бор,*

*Сўнишига йўл қўймасдим беҳуда
зинҳор.⁵*

ёки бу мисралар:

*Ўйлаб қарасам ҳаёт бир сафсата
экан,*

⁴Муаллиф таржимаси

⁵Муаллиф таржимаси



Умид бериб авраб, кейин кишини
алдар экан.

Ишонар экансиз эртанги кун бўлади
деб дурустроқ,

Бироқ эртанги кун бўлар экан
бундан-да баттароқ.

Яна ёлгонлар, эртага кўрасан
роҳатин дейишар,

Бир баҳона бўлиб борини тортиб
олишар.

Ғалати бўҳтон! Бироқ, қайтариб
бўлмас вақтни ортга.

Шундай экан одамзод шукр қилар
экан бориға.

Ҳамон ҳаётда бирор нимага
улгураман деб умид қиларкан,

Аввал ололмаганин кейин беради деб
кутаркан.

Лек мен чарчадим бу мўъжизакор
сохта олтинни кутмоқдан,

Ул ёшликда бизни умид ила алдаб,
кексайганда тиланчи қиларкан

Хуллас, Драйден асарларида
фалсафий қарашларининг талқини
ётганини кузатамиз. Шу билан бирга
классик ва уйғониш даврига мос эпик
хусусиятлар намоён. Унинг барча асарлари
негизида ўша давр сиёсати, севги ва
тарихий хикоялар уйғунлиги, жамият,
воқеалар кўриниши мужассамлашган.
Драйденнинг драмалари риторик,
такрорланмас ва қофиялик пьесалар бўлиб
қолмай, у ўз ўрнида катта шухрат
қозонган, ниҳоятда бой луғатга эга бўлган,
воқеаларнинг уйғунлиги, маънавий
аҳамиятга эга эканлиги билан жаҳон
адабиётида ўз ўрнига эгадир. Драйден
ижоди кейинги давр ижод аҳлига катта йўл
очиқ беради, унинг услубидан Александр
Поуп (Alexander Pope), Ж. Гребб (George
Crabbe), Лорд Байрон (Lord Byron), У.
Скотт (Walter Scott) ва бошқалар кенг
фойдаланишди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. История всемирной литературы. Том-4. -Москва: Издательство “Наука” 1987.
2. Мюллер В.К. Драма и театр эпохи Шекспира.- Л.: 1925.
3. Hakluyt Richard”The Principal Navigations.Voyages. Traffics and Discoveries of the English nation. London.1598-1600
4. Д. Очилова, М. Холбеков , «Жон Драйден ва унинг “Аврангзеб” фожиаси асари. “Хорижий филология” 2014, 3(52) –сон, 29-35 б.
5. Конрад Н.И. Проблемы сравнительного литературоведения. В кн.: Запад и Восток. М.: Изд-во восточной литературы, 1972, с.290-303.

Очилова Д. Английский театр и драматургия в период реставрации (на материале творчества Джон Дрейдена). В статье анализируются видные направления в английской драматургии 17 века. В частности, глубоко анализируется творчество такого видного поэта и драматурга этой эпохи, как Джон Дрейден. Речь идёт о роли его творчества в развитии английского театра и драматургии того периода.

Ochilova D. The English theatre and drama in Restoration period. Development of drama in Restoration period and the authors who made great contribution in this way were pointed in this article. The author of the article attempted to analyze literary works of John Dryden as a leading poet and playwright of that time, particularly, his huge contribution to drama and theatre of that period.